

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*СамИСИ “Реал иқтисодиёт” кафедраси
проф.в.б., и.ф.н.*

Ш.А.Султонов

*СамДТУ “Фармация ишини ташкил қилиш”
кафедраси ассистенти*

Ш.Ш.Шомуродова

Аннотация: *ушбу мақолада республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси – Янги Ўзбекистон, янгича дунёқараш, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши билан баҳоланишига алоҳида эътибор берилган.*

Мамлакат иқтисодиётининг ҳал қилувчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: *кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, капитал, капиталист, қўшимча фоида, кўчмас капитал, рента, ишбилармонлик, фаолият, даромад, ишчи, меҳнат, маош, ишлаб чиқариш, омил, ижтимоий самарадорлик, ходим, ишлаб чиқариш, жараён, ижтимоий, ривожланиш, аҳоли бандлиги.*

Аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар асосан макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, бу борада хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан бир қанча тадқиқотлар қилинган. Аммо булардан фарқли ўлароқ, оила хўжалигида банд аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ифода этадиган кўрсаткичларни ҳам аниқлаш лозим бўлади. Бироқ ушбу тушунча ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, иқтисодчи олимларнинг доимий диққат марказида бўлганлар.

Мазкур муаммони аниқроқ ифода этиш учун олдин аҳолининг яшаш даражаси ва сифатига умумий тарзда изоҳлаш лозим. Аммо умумий кўрсаткичлар мамлакат ва ҳудуд аҳолисининг умумий аҳолини ифода этади. Бироқ бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳар бир шахс ва ҳар

бир оила фаровон яшашлиги лозим, деган тамойилга амал қилишни талаб қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир оила хўжалигида унинг аъзоларининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг ҳолатини изоҳлашни лозим, деб топдик. Ушбу муаммолар бўйича мамлакатимиз ва МДХ олимларидан Ё.Абдуллаев, К.Х.Абдурахманов, К.Х.Зокирова, Х.Т.Тоҳирова, В.И.Гурев, И.И.Елисеева, М.Г.Назаров, Е.П.Шпаковская, В.Н.Салин, А.В.Сиденко, М.В.Матвеева, М.Қ.Пардаев, Б.К.Ғойибназаров, Г.М.Шодиева, Ғ.Ҳ.Қудратов, У.Х.Худайбердиев, Ш.Олтаев кабилар²⁰ шуғулланиб келмоқдалар. Ушбу олимлар томонидан мазкур муаммога тегишли бир қанча адабиётлар ёритилган.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг, шу жумладан оилаларнинг турмуш даражаси, биринчи галда, унинг иқтисодий қудрати билан ўлчанади. Аммо уларда маънавий қониқиш бўлмаса иқтисодий бойликнинг чегарасини билмаслиги мумкин, бундай кишилар руҳиятида моддий бойлик ҳамisha камдек туюлаверади.

Аҳолининг турмуш даражаси деганда, кишиларнинг иқтисодий ва интеллектуал имкониятларини ишга солишга қаратилган, уларнинг моддий, маиший, маънавий ва маърифий эҳтиёжларини муттасил қондириб борилиши натижасида ҳаёт сифатини ифода этувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ва кўрсаткичлар мажмуи тушунилади. Мазкур таърифнинг бошқа таърифларга нисбатан афзаллиги шундаки, унда барча қилинадиган ишлар оиланинг шунчаки эҳтиёжини эмас, балки иқтисодий ва интеллектуал имкониятларини ишга солишга қаратилган бўлиши лозимлиги таъкидланади. Чунки жуда кўп мувоффақиятлар оилаларнинг иқтисодий имкониятларига боғлиқ. Бироқ, кишиларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш учун иқтисодий имкониятлар билан бирга интеллектуал имкониятлар ҳам етарли бўлмоғи лозим. Шунингдек, оилада аҳолининг яшаш даражаси одатда маълум кўрсаткичлар билан ифодаланади. Шу тўғрисида таърифда кўрсаткичлар мажмуини ҳам ифодалаш лозим бўлади. Бизнинг таърифимизда шу камчиликлар бартараф қилинган, деб ўйлаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда ҳам аҳолининг турмуш даражаси бир қанча кўрсаткичлар тизими билан ифодаланади. Бу борада мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг бир қанча қарашлари шаклланган. Ушбу муаммонинг ечими бўйича олимлар билан биргаликда, БМТнинг ҳам қарашлари мавжуд. Аммо БМТ тавсияси бевосита давлатлар миқёсида

²⁰ Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. Т.: Мехнат, 1998.-181 бет., Абдурахманов К.Х., Зокирова К.Х., Тоҳирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2004.-74 бет., Акрамов Э.А., Соатов Н.М. таҳририда. Статистика асослари. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1979.- 385 бет., Гурев В.И. Социальная статистика. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2002.- 65 бет., Елисеева И.И. таҳририда. Социальная статистика. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2002.- 65 бет. Назаров М.Г. таҳририда. Курс социально-экономической статистики. Учебник. М.: Информ Финстат, ЮНИТИ-ДАНА, 2000.- 576 бет., Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика. Учебник. М.: Юристъ, 2001.- 339 бет., Ўлмасов А., Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Шарқ, 2006 - 432 бет., Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагилова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ.-204 бет., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 232 бет., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2016. – 244 бет., Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: Фан. 2005.- 5 бет. ва х.к.

макроиқтисодий даражада ифодаланади. Бунга кўра, аҳоли тумуш даражасини ҳар томонлама тўлиқ характерлаш учун 12 та гуруҳ кўрсаткичларни тавсия қилганлар²¹.

1. Мамлакатдаги демографик шароит: туғилиш, вафот этиш ва бошқалар.
2. Турмуш шароитида санитария-гигиеник ҳолат.
3. Озиқ-овқат товарлари истеъмоли.
4. Уй-жой билан таъминланиш даражаси.
5. Фан ва маданият.
6. Меҳнат шароити ва бандлик.
7. Аҳоли даромадлари ва харажатлари.
8. Турмуш қиймати ва истеъмол баҳолари.
9. Транспорт воситаларининг мавжудлиги.
10. Дам олишни ташкил этиш.
11. Ижтимоий таъминот.
12. Инсон ҳуқуқи.

Мамлакатимиз амалиётида аҳолининг турмуш даражасини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Буларга, Ё.Абдуллаевнинг келтиришича, қуйидагилар киради:

- аҳолининг жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари;
- ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи;
- жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол буюмлари;
- фойдаланишга топширилган уй-жой;
- фойдаланишга топширилган умумтаълим мактаблари;
- жон бошига тўғри келадиган чакана товарбороти;
- жон бошига тўғри келадиган пулли хизматлар ҳисоби;
- врачлар сони;
- мактаб ўқувчилари сони;
- олий ўқув юртлири талабалари сони;
- ўқитувчилар сони²².

Шуни инобатга олиш лозимки, юқорида қайд этилган иккала гуруҳ кўрсаткичлар мамлакатлар, давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиё-тини белгилашда, уларни бир-бири билан макроиқтисодиёт даражасида солиштиришда қўлланилиши мумкин. Аммо бизнинг тадқиқотимиз бевосита микроиқтисодиёт даражасида, яъни оила хўжалиги иқтисодиётига бағишланганлиги учун айнан шу бўғинда унинг талқини қандай ифодаланишига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз. Аммо ҳар бир оила аъзосининг турмуш даражаси, уни баҳолаш ва аниқлаш усуллари иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган ва деярли чоп қилинмаган.

Юқоридаги кўрсаткичлар тизими асосан аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини макро даражада баҳолаш учун қўлланилади. Бевосита оила хўжалигида аҳоли

²¹Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: Фан. 2005.- 8 бет.

²² Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 2002.- 524-525 бетлар.

турмуш даражаси ва сифатини аниқлаш учун бевосита микро даражага хос бўлган бошқа кўрсаткичлар қўлланилади. Ушбу масалани ёритишда олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда оила хўжалигида яшаш даражаси ва сифатини ифодалаш учун қуйидаги 8 та кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Тавсиямизга биноан оила аъзоларининг яшаш даражаси ва сифатинини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради.

- оила аъзоларига тўғри келадиган ўртача даромад (Д);
- истеъмол харажатларининг таркиби, шу жумладан хизматларга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши (Ху);
- умумий даромадлар таркибида жамғармаларининг улуши (Жу);
- оила аъзоларига тўғри келадиган ўртача ўй-жой фонди (ўртча фойдали бино майдони M^2) (Ем);
- саводхонлик даражаси (меҳнатга қобилиятли оила аъзолари таркибида олий маълумотлиларнинг улуши) (Сд);
- меҳнатга қобилиятли оила аъзоларининг иш билан бандлик даражаси (Бд);
- оила аъзоларининг саломатлик кўрсаткичлари (Ск);
- оилада маънавий барқарорлик кўрсаткичи (Мб).

$$\mathbf{Ядс = Д + Ху + Жу + Ем + Сд + Бд + Ск + Мб; \quad (1)}$$

Қайд этиш жоизки, ушбу кўрсаткичлар турли йўналишга ва ўлчамга эга. Шу туфайли уларни қўшиб бўлмайди. Буларни бир хил ўлчамга ва йўналишга келтириб олиш лозим бўлади. Бунинг учун барча кўрсаткичларнинг ўлчамига аҳамият берилади. Бу эса, қуйидаги амалларни бажаришни тақозо қилади.

$$\mathbf{Ядс = Д_{сўм} + Ху_{улуш} + Жу_{улуш} + Ем_{м^2} + Сд_{улуш} + Бд_{улуш} + Ск_{улуш} + Мб_{улуш}; \quad (2)}$$

Кўриниб турибдики, 8 та кўрсаткичдан биттаси сўмда, биттаси m^2 да, олтитаси улушда ифодаланади. Улушда ифодаланган кўрсаткичлар ўлчов бирлиги бир хил бўлгани билан уларнинг моҳиятлилик даражаси ҳар хил. Масалан, истеъмол харажатларининг таркибида хизматларга кетган харажатларнинг улушини меҳнатга қобилиятли оила аъзоларининг иш билан бандлик даражасини ифодаловчи улушга қўшиб бўлмайди. Чунки уларнинг моҳияти турлича. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларни бир хил ўлчамга ва йўналишга келтириб олишни тақозо қилади. Бунинг учун ҳар бир кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдорини унинг меъёрига солиштириб, ўзгариш суръатини олиш мумкин бўлади. Шундагина улар бир хил ўлчамга ва йўналишга эга бўлади. Аммо ушбу кўрсаткичларнинг мамлакатимизда меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли ушбу кўрсаткичларнинг ҳақиқий миқдорини асос йилига нисбатан ўсиш (ўзгариш) суръатини олиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “Ўзбекистон”, Т.: 2022 йил, -Б. 147.
2. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Fan”, 2013. – 288 б.
3. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 32 б.
4. Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 24 б.
5. Abduxalilovich, S. S. (2022). ORGANIZATIONAL ECONOMIC MECHANISMS OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE SERVICE SPHERE. *NeuroQuantology*, 20(18), 46.
6. Sh. Shomuradova (2023). MODERN METHODS OF MOVING GOODS IN RETAIL ENTERPRISES. *Science and innovation*, 2 (A1), 39-42. doi: 10.5281/zenodo.7517752
7. Sh. Shomuradova (2023). THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE DEVELOPMENT OF MERCHANDISING ACTIVITIES IN RETAIL ENTERPRISES. *Science and innovation*, 2 (D3), 5-7. doi: 10.5281/zenodo.7700057
8. D. Togayeva (2023). ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE SAMARKAND REGION. *Science and innovation*, 2 (A1), 103-106. doi: 10.5281/zenodo.7541692
9. Mardiyeva, S. G., & Abduxalilovich, S. S. (2023). THE ROLE OF INVESTMENTS IN THE PROCESS OF DIGITALIZATION.
10. Qizi, H. S. N., & Abduxalilovich, S. S. (2023). RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA IJARA XIZMATLARINI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 2(2), 104-107.
11. Habibullo Hasanov, Beknazar Sultonov, Fazliddin Norbekov, & Dilnoza Togayeva. (2023). FOIZ STAVKASI VA DAROMADNING ISTE'MOL XARAJATLARIGA TA'SIRI TAHLILI. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(4), 5–13.
12. Шомуродова, Ш. Ш. (2023). ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ ВА УНИ АНИҚЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 3(30), 189-195.
13. Abdukhalilovich, S. S., & Ugly, S. F. S. (2023). PROSPERITY AND ITS ESSENCE. *Journal of new century innovations*, 27(1), 101-106.
14. Mardiyeva, S. G., Abdukhalilovich, S. S., & Farkhod, S. (2023). The Importance of Family Business in the Economy of Our Country. *World of Science: Journal on Modern Research Methodologies*, 2(4), 49-55.
15. Shadieva, G., Azamatovna, T. D., & Abdukhalilovich, S. B. (2022). The role of retail trade in increasing the standard of living of the population. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 64-67.